

ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ ВА АРИТМИЯСИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ УЗОҚ КУЗАТУВ БОСҚИЧИДА КАСАЛЛИКНИНГ ОХИРГИ НУҚТАЛАРИ ҚАЙД ЭТИЛИШИ.

**Собирова Ш.С., Тулабоева Г.М., Авазбеков Б.А. Тиббиёт ходимларининг
касбий малакасини ривожлантириш маркази**

Бухоро Давлат тиббиёт институти, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази, Андижон давлат тиббиёт институти

Мақсади. Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва хавфли аритмияси бўлган беморларни бир йиллик кузатув даврида олинган иллюстратив моделлаш натижаларини таҳлил қилиш.

Текширув объекти ва усуллари: Тадқиқотда 125 та ЮИК ва хавфли аритмияларга эга бўлган кекса ёшдаги беморлар жалб этилди. Улар касаллик тарихида аритмиялар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра икки гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ (n=65) ЮИК ва хавфли аритмия билан боғлиқ беморлар ва 2-гуруҳ (n=60) ЮИК ва хавфли аритмияларсиз беморлар. Тадқиқотлар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтақавий филиалида олиб борилди. аритмия қайд этилган 65 нафар беморда нохуш юрак-қон томир ҳодисалари (МАСЕ) частотаси аритмиясиз 60 нафар беморга нисбатан деярли икки баробар юқори бўлди. Бу ҳолат аритмиянинг клиник аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди. Барча беморларда қондаги липид кўрсаткичлари ва буйрак фаолиятини баҳовловчи қондаги мочевина, креатинин, коптокчалар фильтрациялаш тезлиги ва микроальбуминурия кўрсаткичлари. Натижалар ишонч интерваллари ва P-қийматлар билан таҳлил қилинди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар қиёсий усуллар орқали баҳоланди.

Олинган натижалар таҳлили: ЮИК ва аритмиялари мавжуд бўлган кекса беморларда охирги нуқталар билан бир қатор клиник ва лаборатор кўрсаткичлар ўртасида кучли корреляциялар аниқланди. Хусусан, eGFR паст бўлган беморларда нохуш юрак-қон томир ҳодисалари кўпроқ кузатилди ($r \approx -0,42$; $p < 0,01$). Микроальбуминуриянинг ошиши инсулт частотаси билан боғлиқ экани қайд этилди ($r \approx 0,36$; $p < 0,05$). Липид профили таҳлилларида эса LDL даражаси юқори бўлган беморларда миокард инфаркти кўпроқ учради ($r \approx 0,40$; $p < 0,01$). Инструментал кўрсаткичлардан чап қоринча фракция выбросининг пасайиши

СЮЕ сабабли госпитализация билан яққол боғлиқ экани аниқланди ($r \approx -0,45$; $p < 0,001$). Шу билан бирга, миокард массаси индекси ошган беморларда аритмияга боғлиқ госпитализация ҳолатлари кўпроқ қайд этилди ($r \approx 0,38$; $p < 0,05$). Эндотелиал функциянинг пасайиши (FMD%) композит натижалар билан салбий боғлиқлик кўрсатди ($r \approx -0,41$; $p < 0,01$). Гликемия назорати ёмон бўлган ва HbA1c юқори беморларда ҳам инсульт, ҳам инфаркт хавфи ошиб боргани кузатилди ($r \approx 0,35$; $p < 0,05$).

Аритмиясиз гуруҳда ҳам шунга ўхшаш боғлиқликлар аниқланди, бироқ уларнинг куввати пастроқ бўлди. Масалан, eGFR ва MACE ўртасида корреляция ўртача кучда бўлиб ($r \approx -0,25$; $p < 0,05$), LDL билан миокард инфаркти ўртасидаги боғлиқлик ҳам заифроқ чиқди ($r \approx 0,22$; $p < 0,05$). Кўп ҳолларда статистик аҳамиятсиз (ns) натижалар кузатилди, бу аритмиясиз гуруҳда нохуш ҳодисалар сони камлиги билан изоҳланиши мумкин. Умуман олганда, натижалар шуни кўрсатадики, аритмия мавжудлиги ишемик юрак касаллиги бўлган беморларда турли кўрсаткичлар билан охириги нукталар корреляциясини кучайтиради. Бу эса eGFR, липид профили, ММИ, ФВЛЖ ва эндотелиал функцияни узлуксиз назорат қилиш орқали хавф прогнозини яхшироқ баҳолаш мумкинлигини кўрсатади.

Хулоса. Таҳлил натижаларига кўра, ишемик юрак касаллиги ва аритмиялари мавжуд бўлган беморларда юрак ва буйрак кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кучли бўлди. eGFR паст бўлган беморларда MACE частотаси юқорироқ қайд этилди ($r \approx -0,42$; $p < 0,01$), шунингдек eGFR билан СЮЕ сабабли госпитализация ўртасида ҳам салбий боғлиқлик аниқланди ($r \approx -0,40$; $p < 0,01$). Микроальбуминурия юқори бўлган беморларда инсульт хавфи кўпроқ кузатилди ($r \approx 0,36$; $p < 0,05$), шу билан бирга у композит натижалар билан ҳам боғлиқ эканлиги кўрсатилди ($r \approx 0,38$; $p < 0,05$).